# Омон бўлинг, МУШТАРИЙ

Ishonch
2014-yil 25-fevral № 26 (3375)

## Тадбиркорликка кенг йўл

XALQ BANKI

Реклама ўрнида



# Мижозлар ишончини оқлаб...

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш тижорат банкларининг устувор вазифалари қаторидан ўрин олган. Чунки, айнан ушбу тармоқ бозор иқтисодиёти шароитида соҳани барқарорлаштирувчи, ички бозорни тўкис қилувчи ва меҳнат ресурсларини шакллантирувчи сифатида жамият ҳаётида муҳим ўрин тутмоқда. Шу боис, Давлат тижорат «Халқ банки» томонидан қаратилаётган муттасил эътибор туфайли ишлаб чиқариш субъектлари сони кўпайиб, янги корхоналар ишга туширилмоқда.







**Гулбаҳор ЖУМАНИЯЗОВА,**
**«Дилфуза Сервис» хусусий фирмаси раҳбари,**
**Урганч шаҳри:**

— Халқимиз нонни азиз неъмат сифатида қадрлайди. Дастурхонга, аввало, нон тортилади. Зувала тайёрлашдан тортиб тандирдан узиб олишгача бўлган юмуш асосан хотин-қизларимиз зиммасида. Кўп вақт ва меҳнат талаб қиладиган бу юмушни енгиллаштириш мақсадида мамлакатимизда нон ишлаб чиқарувчи корхоналарини кўпайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бугун вилоятимизнинг хоҳлаган тижорат банкига борсангиз, орзу-умидларга тўла мижозларга кўзингиз тушади. Банкларда тадбиркорлар хонаси ташкил этилган бўлиб, барча шароитлар яратилган.

Тадбиркорликни йўлга қўйиш мақсадида «Халқ банки»нинг Урганч шаҳар филиалига бизнес лойиҳамни тақдим этдим. Кўп ўтмай, 200 млн. сўм кредит олдим.

Замонавий технологиялар билан жиҳозланган корхонада кунига 100 хил турдаги нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқармоқдамиз. Олинган кредит натижасида яна 8 нафар ёш ишли бўлди.

**Мукаррам ҲИКМАТОВА,**
**«Ҳикматова Мукаррам» хусусий корхонаси раҳбари,**
**Қарши тумани:**

— Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, ғайрат-шижоатли тадбиркорларга кенг имкониятлар яратилди. Бу эса, ислоҳотлардан кўзланган асосий мақсад — фаровонликка хизмат қилмоқда.

Ёшликдан тикиш-бичишга иштиёқим баланд. Ҳунаримни бошқаларга ўргатиш, ўз тадбиркорлигимни йўлга қўйишни дилга тугиб, «Халқ банки»нинг Қарши туман филиалига мурожаат қилдим. Масъул ходимлар лойиҳамни қисқа вақт ичида кўриб чиқиб, менга 240 млн. сўм кредит маблағи ажратдилар.

Берилган кредит маблағи эвазига каштачилик ва тўй либослари салони очдим. Ҳозирда бу ерда 20 нафар хотин-қиз меҳнат қилмоқда.

Маҳсулотларимиз харидоргир. Сабаби, улар айнан мижозларимиз талаб ва истакларига мослаб ишлаб чиқарилмоқда.

Банкларнинг кредитидан самарали фойдаланиш юксалишга олиб келишини ўз тажрибамда кўрдим. Интилганга толе ёр, деб бежиз айтишмаган экан. Банклар билан тадбиркор ҳамкорлиги халқимизнинг фаровонлигига хизмат қилаётганидан жуда хурсандман.

**Шоймурод ХЎЖАҚУЛОВ,**
**«Шарбат» хусусий корхонаси раҳбари,**
**Чироқчи тумани:**

— Бозорларимиз тўкинлиги ва аҳолига сифатли ичимлик сув етказиб беришни ният қилиб, «Халқ банки»нинг Чироқчи филиалидан 40 млн. сўм кредит олдик.

Кредитдан оқилона ва тўғри фойдаланиш ишнинг бароридан келиши учун биринчи шарт экан. Вақтни бой бермай, корхонамизни хориждан келтирилган замонавий технологиялар билан жиҳозладик. Лойиҳани амалга оширганимиздан сўнг, ишчи кучига эҳтиёж ортди. Маҳаллий 10 нафар йигит-қизни ишга таклиф қилиб, маҳсулот ишлаб чиқариш қувватини янада оширдик. Натижада, даромадимиз ҳам салмоқли бўлиб қолди.

Ҳозир бозорларимизда маҳсулотимизга талаб катта. Эндиликда банкнинг молиявий кўмагида ишлаб чиқариш турини кўпайтириш ҳаракатидамиз.

**Ғайрат СОЛИЕВ,**
**«Мўжиза нон» хусусий корхонаси раҳбари,**
**Касби тумани:**

— Бугунги кунда нафақат шаҳарлар, туман марказлари, балки қишлоқ жойларда ҳам кичик новвойхона, турли хилдаги қолипли нон ишлаб чиқарувчи минизаводлар ишга туширилмоқда.

Давлатимиз томонидан яратилаётган кенг имконият ва имтиёзлардан фойдаланган ҳолда «Халқ банки»нинг Касби филиалидан 50 млн. сўм кредит олиб, нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик.

Қисқа муддатларда қуриб ишга туширилган корхонамизга касб-ҳунар коллежини битирган 10 нафар ёшни таклиф этдик.

Ҳозирда бу ерда тайёрланаётган нон маҳсулотлари бозор ва дўконларга етказиб берилмоқда. «Халқ банки» мададисиз орзулар ушалиши қаёқда эди!

**Мафтуна ИСЛОМОВА,**
**Якка тартибдаги тадбиркор,**
**Навоий шаҳри:**

— Президентимизнинг 2010 йил 28 июлда «Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонида катта имконият ва имтиёзлар белгиланганлиги ёш тадбиркорларга кенг йўл очиб бермоқда.

«Халқ банки» томонидан олиб борилаётган ишлар таҳлилида ҳам буни яққол кўриш мумкин. Банк фаолиятида ёшларни, айниқса, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг мустақил ҳаётга дадил кириб боришига кўмаклашиш устувор аҳамият касб этмоқда. Натижада, айнан ёшлар раҳбарлик қилаётган юзлаб корхона ва фирмалар ташкил этилиб, уларда тайёрланаётган маҳсулотлар ички бозоримизни тўкин қиляпти. Энг муҳими, ёш тадбиркорлар ўз ёнига тенгдошларини чорлаб, уларнинг ишбилармонлик қобилиятини юзага чиқаришга кўмаклашмоқда.

Мен ҳам тикувчилик фаолиятини йўлга қўйиш учун ишлаб чиққан лойиҳамни молиялаштириш учун «Халқ банки»нинг Навоий шаҳар филиалига тақдим этдим.

Тез орада 3 миллион сўм кредит ажратилди. Бу тикувчилик цехини ташкил этиб, қўлида ҳунари бор 5 нафар аёлни иш билан таъминлашга кўмак берди.

Фаолиятимни янада кенгайтиришни ўйлаб, хизмат кўрсатиш соҳаларига ҳам қўл урмоқчиман.

**Насиба ИСМАТОВА,**
**«Ishonch» мухбири**




«СОЧИ — 2014»




***Сочи шаҳрида XXII қишки Олимпиада ўйинлари якунига етди. 7-23 феврал мобайнида давом этган мусобақани дунё аҳли катта ҳаяжон билан кузатиб борди.***

## Деворлар ҳам қўллади

Мазкур нуфузли ўйинларда 90 га яқин мамлакатдан 5 минг 500 дан зиёд спортчи етти спорт тури бўйича иштирок этди. Саралаш босқичидан муваффақиятли ўтган спортчиларимиз Ксения Григорьва ва Артём Воронов тоғ чанғиси, Миша Ге фигурали учиш мусобақаларида қатнашдилар.

Якунларга кўра, мезбонлар 13 олтин, 11 кумуш, 9 бронза медал билан умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни қўлга киритди. Қишки спорт турлари бўйича етакчи ҳисобланган Норвегия (11 олтин, 5 кумуш, 10 бронза) ҳамда Канада (10 олтин, 10 кумуш, 5 бронза) терма жамоалари кучли учликдан жой олишди.

Кейинги қишки Олимпия ўйинлари 2018 йил 9 февралда Жанубий Кореянинг Пёнчан шаҳрида старт олади.

ШАХМАТ



***Ҳамюртимиз Жўрабек Ҳамроқулов Россиянинг Ростов вилоятида ўтказилган «Молот Кубоги» мусобақалари ғолибига айланди.***

## Жўрабекнинг «болға»си

50 дан ортиқ шахматчи иштирок этган ушбу мусобақа илк бор интернет орқали ўтказилгани туфайли ҳам ўзига хослик касб этди. Юқорида қайд этилганидек, вакилимиз бош совринни қўлга киритган бўлса, халқаро гроссмейстерлар Артур Габриелян (Россия) ва Юрий Солодовниченко (Украина) иккинчи ва учинчи ўринларни эгаллашди.

Шахмат маҳорати Академияси маълумотларига кўра, Жўрабек Ҳамроқулов 2007 йилдан бери халқаро мастер унвонига эга, рейтинг очкоси — 2554. У эркаклар ўртасида уч карра Ўзбекистон чемпиони унвонини қўлга киритган. Испания, Бруней, Малайзия, Индонезияда ўтказилган қатор халқаро мусобақаларнинг ғолиби.

БОКС



***Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари Остона шаҳрида ўтказилган мусобақалардаги сўнгги учрашувда Буюк Британия жамоаси устидан 8:2 ҳисобида ғалаба қозонди, мезбонлар эса Россияни 7:3 ҳисобида мағлуб этди.***

## Вакилларимиз — иккинчи

Шундай қилиб, бош мураббий Марс Қўчқоров шогирдларига мусобақада иккинчи ўрин насиб этди. Мезбон жамоа учта ғалабага эришди, Ўзбекистон ҳисобида эса иккита ғалаба ва битта мағлубият бор. Россия бир ғалаба билан учинчи ўринни эгаллади. Буюк Британия жамоаси бирор марта ҳам устунликка эришолмади.

КАРАТЭ



***Малайзиянинг Куала-Лумпур шаҳрида каратэ бўйича ёшлар ва катталар ўртасида бешинчи бор Осиё кубоги баҳслари ўтказилди.***

## Медаллар шодаси

Қитъанинг 16 давлатидан келган мингга яқин спортчи иштирок этган мусобақада терма жамоамиз аъзолари 9 та олтин, 2 тадан кумуш ва бронза медали билан, умумжамоа ҳисобида иккинчи ўринни банд этди.

Жумладан, кумитэ бўйича 10-11 ёшлилар орасида Исмоил Наримов биринчилардан бўлиб терма жамоамиз ҳисобига олтин медални келтирган бўлса, 12-13 ёшлилар орасида Муҳаммадали Раҳматуллаев, 14-15 ёшда Мафтуна Тўрақулова, Аъзамжон Қаюмов, 16-17 ёшда Самарбек Ҳамроев, 18 ёшдан катта спортчилар ўртасида Дилноза Дониева ҳамда Сардор Файзуллаев ўз вазн тоифаларида зафар қучишди.

Шунингдек, кумитэ баҳсларида қизлар жамоамиз ҳам барча рақибларидан устун келиб, шоҳсупанинг энг юқори поғонасидан жой олдилар.

ДЗЮДО



***Ўзбекистон дзюдо бўйича терма жамоа аъзоси Шуҳрат Арслонов Германиянинг Дюссельдорф шаҳрида ўтказилаётган Гран-при мусобақаларида бронза медални қўлга киритди.***

## Шуҳрат полвон совриндор

Мазкур мусобақада 60 га яқин мамлакатдан 450 полвон ғолиблик учун кураш олиб бормоқда.

Полвонимиз 81 кг. гача вазн тоифасида ўтказилган баҳсларда Ван де Камер Нил (Голландия), Константин Тип (Молдова), Сиражуддин Магомедов (Россия)ни енгди, ярим финал учрашувида эса америкалик Стевенс Трависга имкониятни бой берди. Шуҳрат учинчи ўрин учун баҳсда россиялик Станислав Семеновни доғда қолдириб, шоҳсупага кўтарилди.

**Адҳам АРСЛОНОВ,**
**«Ishonch» мухбири**

Реклама ва эълонлар

**«FARG'ONA MULK MARKAZI» МЧЖ**

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!**

Савдоларга «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ кузатув кенгашининг 17.12.2013 йилдаги мажлис баёни ҳамда «Ўзбекистон почтаси» Фарғона филиалининг 19.02.2014 йилдаги буюртманомасига асосан, Фарғона шаҳар, Мустақиллик кўчаси, 35-уйда сақланаётган қуйидаги автомототранспорт воситалари қўйилмоқда:

1. «Москвич-21251010» русумли, 1991 йилда и/ч, д/р 15 AE 479 (носоз ҳолда). **Бошланғич баҳоси — 1 427 000 сўм.**

2. «Тико» русумли, 1999 йилда и/ч, д/р 40 521 HAA (носоз ҳолда). **Бошланғич баҳоси — 4 788 000 сўм.**

3. «Дамас» русумли, 1996 йилда и/ч, д/р 40 998 HAA (носоз ҳолда). **Бошланғич баҳоси — 8 000 000 сўм.**

Савдолар 2014 йил 28 март куни соат 10:00 да бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 26 март, соат 18:00.

Савдо ғолиби деб топилган шахсга 10 иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 30 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «FARG'ONA MULK MARKAZI» МЧЖнинг АТ «Халқ банки» Фарғона вилоят филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: МФО: 00497, СТИР: 302134194, ҳ/р: 20208000704943063001.

Савдо ўтказиладиган манзил: Фарғона шаҳар, Б.Марғиноний кўчаси, 35-уй. Тел: (8-373) 244-43-58. www.rmm.uz. Гувоҳнома 1177.

Изоҳ: и/ч — ишлаб чиқарилган, д/р — давлат рақами.

## ЁХБ огоҳлантиради!



18

# Ёнғин сабаби — эътиборсизлик

***Сирғали туманида истиқомат қилувчи Игор исмли фуқаро уйини янада иссиқ тутиш учун ёниб турган газ плита оловини пастлатиб, ухлагани ётди. Бироқ фалокат оёқ остида деганларидек, тунда газ плитаси устидаги дорга қуритиш учун осиб қўйилган кийимлар ёниб полга тушди. Аввал гилам, сўнг ошхона жиҳозларига ўт кетди.***

Игор алангаи оташдан бўғриқиб уйғонди. Ёнғинни намланган сочиқ билан ўчирмоқчи бўлди. Натижада, қўл ва юз соҳаси кучли куйиш тан жароҳати олди. Оила аъзолари тезда ёнғин хавфсизлиги хизматига қўнғироқ қилишди. Ўт ўчирувчилар етиб келганида, ёнғин уйнинг том қисмига етиб борган эди. Хайриятки, соҳа ходимларининг саъй-ҳаракати туфайли фалокатнинг олди олинди.

Оддий хавфсизлик қоидасига риоя этмаслик натижасида бир инсон мажруҳ, не машаққатлар эвазига орттирилган мол-мулк кулга айланди. Шу ўринда айтиш жоизки, фуқаролар турар жойларида содир бўлаётган ёнғиннинг асосий қисми газ қурилмаларидан нотўғри ва ноўрин фойдаланиш натижасида юзага келаётир.

**У. МЎМИНОВ,**
**Сирғали тумани ИИБ ЁХБ катта инспектори**

* * *

***Туманнинг 7-даҳасидаги хонадонда юз берган ёнғин электр мосламаларидан нотўғри фойдаланиш натижасида келиб чиқди. Яхшиямки, офат юз берган пайтда уйда ҳеч ким бўлмаган. Акс ҳолда, инсон саломатлигига зарар етиши ҳеч гап эмасди.***

Ишдан қайтган Миржалолга қўшниси уйи ойналаридан тутун чиқиб, тез орада алангага айлангани ва ўт ўчирувчиларнинг ҳаракатлари билан ўчирилганини айтди. Миржалол уйга кириб, жиҳоз ва кийим-кечакларнинг буткул куйиб кетганию, хоналарнинг абгор аҳволига гувоҳ бўлди. Ёнғин меҳмонхонадаги носоз электр розеткасидан чиққан қисқа туташув натижасида содир бўлган эди. Учқун диваннинг матрасини ёндириб, сўнг парда ва бошқа тез алангаланувчи жиҳозларга ўтган. Бундан ташқари, пастки қаватдаги хонадонларнинг таъмири ва жиҳозлари юқоридан сув сизиши натижасида зарарланган. Фуқаро электр таъминоти тизимидаги носозликни вақтида тузатмаганидан қаттиқ пушаймон бўлди.

Хулоса битта: бундай кўнгилсиз ҳодисаларнинг олдини олиш учун барчамиз уйимиздаги газ ва электр қурилмаларининг созлигини доимо назорат қилиб туришимиз лозим.

**Нуриддин БУРҲОНОВ,**
**Сирғали тумани ИИБ ЁХБ 5-ҲЁХО катта муҳандиси**

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Muassis:
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir o'rinbosari
Zayniddin Rixsiyev

Tahrir hay'ati:
Muhammad Ali Ahmedov, Baxtiyor Mahmadaliyev, Oksana Belausova, Sog'indiq Niyetullayev, Eson Rajabov, Jahongir Sharofboyev (Mas'ul kotib).

2007 yil 11 yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.
ISSN 2010-5002

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63, Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43, Reklama va e'lonlar — 256-87-73.

Viloyatdagi muxbirlar:
Andijon + 998 91 141-27-70; Buxoro + 99893 653 50 81; Sirdaryo + 998 90 999 58 30; Jizzax + 998 94 418-67-49; Navoiy + 998 94 226-28-84; Namangan + 998 90 260-50-77; Samarqand + 998 93 352-50-87; Qashqadaryo +998 91 467-30-01; Surxondaryo + 998 95 502-68-99; Farg'ona + 998 90 583-49-79; Qoraqalpog'iston Respublikasi + 998 91 268-92-32; Xorazm + 998 90 719-48-00.

Manzilimiz:
100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy

Nashr ko'rsatkichi:
133

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

Navbatchi muharrir: A.Abdullayev
Navbatchi: N.Mahamov
Musahhih: S.Shodiyeva

Bosishga topshirish vaqti - 21.25
Topshirildi - 22.45

E-mail:ishonch2012@gmail.com

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi. Sahifalovchi: H.Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

Buyurtma Г — 218

22290 nusxada bosildi

1 2 4 5